

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.78.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМий-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ

ЭШМУРОДОВ ХУРШИД ЭСАНБЕРДИЕВИЧ

МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА ТАРКИБИДА КРЕМНИЙ
БЎЛГАН НООРГАНИК ВА ОРГАНИК БИРИКМАЛАР ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

02.00.13-Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси
02.00.14-Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)

Эшмуродов Хуршид Эсанбердиевич

Маҳаллий хомашёлар асосида таркибида кремний бўлган ноорганик ва органик бирикмалар олиш технологиясини ишлаб чиқиш.....3

Эшмуродов Хуршид Эсанбердиевич

Разработка технологии получения кремнийсодержащих неорганических и органических соединений на основе местного сырья.....21

Eshmurodov Khurshid

Development of technology for the obtaining of inorganic and organic compounds containing silicon on the basis of local raw materials.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....42

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.78.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ЭШМУРОДОВ ХУРШИД ЭСАНБЕРДИЕВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА ТАРКИБИДА КРЕМНИЙ
БЎЛГАН НООРГАНИК ВА ОРГАНИК БИРИКМАЛАР ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.13-Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси
02.00.14-Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз – 2020

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/T1908 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университети ва Тошкент кимё-технология илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tertsu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Тураев Хайит Худайназарович
кимё фанлари доктори, профессор

Умбаров Ибрагим Амонович
техника фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Амонов Мухтор Рахматович
техника фанлари доктори, профессор

Тожиев Панжи Жовлиевич
техника фанлари бўйича фалсафа доктори

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Т.78.01 рақамли Илмий кенгашнинг «6» 01 2021 йил соат 17:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 190111, Термиз шаҳри Баркамол авлод кўчаси, 43 уй. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: termizdu@umail.uz).

Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№24 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 190111, Термиз шаҳри Баркамол авлод кўчаси, 43 уй. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: termizdu@umail.uz.

Диссертация автореферати 2020 йил «26» 12 кун тарқатилди.
(2020 йил «26» 12 даги 8 рақамли реестр баённомаси).



Ҳ.С.Бекназаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси уринбосари, т.ф.д., к.и.х.

Ш.А.Каснмов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, к.ф.ф.д.

Ф.Б.Эшқурбонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., доц.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда дунёда элементорганик бирикмалар, хусусан, кремний тутган ноорганик ва органик бирикмалар арзон хомашё сифатида қурилиш, автомобилсозлик, авиация, тиббиёт, экология, фармакология, озиқ-овқат, енгил саноат каби кўплаб соҳаларда ишлатилади, шунингдек, юқори босим ва ҳароратда ишлайдиган гидравлик қурилмаларда комплекс хусусиятларга эга бўлган қимматбаҳо материаллар сифатида муҳим аҳамият касб этади. Кремнийорганик бирикмалар сув ва иссиқлик таъсирига чидамли материаллар олишда модификатор сифатида қўлланилганда, уларнинг мустаҳкамлигини, турли агрессив муҳитларга чидамлилигини оширади, органик ва ноорганик таркибий қисмларнинг ўзаро мустаҳкам боғланишига хизмат қилади.

Жаҳонда органик ва ноорганик материаллар асосидаги мустаҳкам, иссиқбардош, ёнғинга ва агрессив муҳитларга чидамли кремнийорганик полимерлар, жумладан, полисилоксанлар ва полифункционал кремнийорганик бирикмалар олиш; полимер материалларнинг комплекс хоссаларини яхшилаш учун кремний сақловчи модификаторлар билан ишлов беришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишларига катта эътибор қаратилмоқда. Шунинг учун кремнийорганик бирикмалар билан полимер материалларни модификация қилиш орқали уларнинг физик-кимёвий ва физик-механик хоссаларини яхшилаш, кенг ҳарорат оралиғида ва турли агрессив муҳитларда ишлатиладиган кремнийорганик полимер материаллар олиш технологиясини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Мамлакатимизда кимё саноатининг янги турдаги материаллар ишлаб чиқариш йўналишида муайян натижаларга эришилди, жумладан маҳаллий бозорни импорт ўрнини босувчи кимёвий реагентлар билан таъминлаш соҳасида кенг кўламли тадбирлар амалга оширилди. Таъкидлаш жоизки, Республикаимизда, инновацион технологияларни тадбиқ этиш орқали саноат объектларини юритишнинг илмий асосланган тизими ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг чора-тадбирларини амалга оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «Маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида, юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш, сифат жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзгартиришга» қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, маҳаллий хомашёлардан кремнийорганик полимер материаллар яратиш, уларни модификатор сифатида қўллаш, янги кремнийорганик бирикмалар асосидаги полимер материаллар олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва уларни ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2018 йил 25 октябрдаги

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

ПҚ-3983-сонли «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сонли «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва инвестицион жозибadorлигини ошириш тўғрисида»ги, 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335 сон «Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. “Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таркибида кремний сақлаган органик ва ноорганик бирикмалар синтези ва уларни ишлаб чиқариш технологиясини яратиш бўйича дунёда қуйидаги олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилмоқда жумладан, S.E.Denmark, J.J.Cottell, J.Montgomery, N.J.Lawrence, Jie Jack Li, Chris Limberakis, T.Zhang, Q.Cail, D.Z.Wul, A.Derek Pflum, R.B.Appell, R.J.Duguid, T.Fukuyama, H.Tokuyama, H.Takayama, T.Takeda, R.Fujiwara, Y.Kasai, M.Kitajima, N.Aimi, T.Zhang, Q.Cail, D.-Z.Wul, R-G.Jin, R.P.Singh, K.A.Андрианов, Е.М.Опарина, Т.С.Трубьянская, В.И.Кодолов, Г.Е.Заиков, Р.М.Асеева, Я.Рабек, Н.П.Харитонов, А.А.Берлин, В.В.Коршак, С.Мадорский, М.В.Соболевский, Ю.С.Кочергин, М.А.Аскарров, А.Т.Джалилов, И.И.Исмаилов, М.А.Курбанова ва бошқалар илмий тадқиқот ишларини олиб боришган.

Улар томонидан олиб борилган ишлар кремнийорганик бирикмаларни синтез қилиш, кремний атомига карбоксил, гидроксил, эпоксид, аминопропил, амин, алкид, аллил, фосфор, борат гуруҳлари ва галогенларни боғлаш механизмларини аниқлаш, кремнийорганик бирикмаларнинг физик-механик ва кимёвий хоссалари, термик барқарорлигини тадқиқ этиш, кремнийорганик бирикмалар асосида турли антипиренлар, уретан ва эпоксид олигомерлар, герметиклар, кенг ҳароратлар оралиғида ишлайдиган эластомерлар ва суюқликлар, турли хил модификаторлар олиш ҳамда уларни қўллаш, оловбардош - иссиққа чидамли материаллар олиш технологиясини ишлаб чиқишга йўналтирилган бўлиб, қурилиш ҳамда ишлаб чиқариш композитларининг самарадорлигини оширишга қаратилган.

Шу билан бирга, полифункционал модификаторлардан фойдаланиш соҳасидаги тадқиқотлар механик мустаҳкам ва оловбардош материаллар сифатини оширишда муҳим йўналиш ҳисобланади. Ҳозирги кунга қадар олинган композит материалларни технологик ва эксплуатацион хусусиятларини модификаторларнинг таркиби ва табиатига боғлиқлигини ўрганиш, маҳаллий хомашёлар асосида арзон ва сифатли полимер композитларни олиш ва уларнинг технологиясини яратиш, қўллаш соҳаларини кенгайтириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот иши режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Термиз давлат университети ҳамда Тошкент кимё-технология илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф7-34 «Комплекс ҳосил қилувчи полифункционал ионитлар синтези ва улар ёрдамида баъзи d-металларни ажратишнинг назарий асослари» (2017-2020), МУ-ФЗ-201910142 «Минераллашган қувур, фитинг, панел ва пол қопламалари ишлаб чиқишнинг инновацион технологиясини яратиш» (2020-2022) ва А12-003 «Органик бўёқлар ва кремний сақловчи полимерларни саноатда ишлаб чиқариш технологияси» (2014-2015) мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий хомашёлар: кварц қуми, органик мономерлар, крахмал асосида таркибида кремний бўлган ноорганик ва органик бирикмалар олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маҳаллий кварц қуми асосида сувда эрувчан силикатлар олиш ва уларнинг силикат модули ҳамда таркибини аниқлаш;

олинган сувда эрувчан силикатлар асосида силикат кислотанинг эфирларини олиш усулларини ишлаб чиқиш ва мақбул шароитларини аниқлаш;

глицерин, фтал ангидрид ва тетраэтоксисилан асосида кремний сақлаган глифтал смолалар, акрил кислота, метилметакрилат ва тетраэтоксисилан асосида кремний-акрил сақлаган полимер модификаторлар олиш;

синтез қилинган кремнийорганик бирикмаларнинг таркиби, тузилиши ва физик-кимёвий хоссаларини тадқиқотнинг замонавий усуллари ёрдамида аниқлаш;

олинган кремний сақлаган ноорганик ва органик бирикмаларни модификаторлар сифатида турли боғловчи материаллар олишда қўллаш;

кремний тутган ноорганик ва органик модификаторларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда техник-иқтисодий асослаш.

Тадқиқотнинг объекти кварц қуми, тетраэтоксисилан, этил спирт, глицерин, крахмал, акрил кислота, метилметакрилат ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети кварц қуми асосида олинган сувда эрувчан силикатлар, кремнийорганик бирикмалар ҳамда улар асосидаги кремний сақловчи модификаторлар олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида ИҚ-спектроскопия, сканерловчи электрон микроскопия, термогравиметрия, дифференциал сканерловчи калориметрия, элемент таҳлили усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги куйидагилардан иборат:

илк бор глицерин, фтал ангидрид ва тетраэтоксисилан асосида кремний сақлаган ГФК-1, ГФК-2 маркали глифтал смолалар синтез қилинган;

акрил кислота, метилметакрилат ва тетраэтоксисилан асосида кремний-акрил сақлаган КАСМ-1, КАСМ-2 маркали, тетраэтоксисилан ҳамда крахмал асосида КМ-1, КМ-2 маркали полимер модификаторлар олинган;

синтез қилинган ГФК-2, КАСМ-2 модификаторларини карбамид-формальдегид смола асосидаги елимга 5% қўшилиб тайёрланган ёғоч-кириндили плитанинг қалинлик ва ҳажмий бўқиши икки марта камайиши аниқланган;

маҳаллий хомашёлар асосида кремний сақлаган глифтал смолалар ва кремний-акрил сақлаган полимер модификаторлар олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маҳаллий кварц қумларидан ишқор ва сода ёрдамида сувда эрувчан силикатлар – суюқ шиша ва натрий метасиликат, шунингдек кремний кислотасининг бир ва кўп атомли спиртлар билан эфирлари синтез қилинган;

тетраэтоксисилан, глицерин, фтал ангидрид, метилметакрилат, акрил кислота, крахмал асосида турли таркиб ва марказдаги модификаторлар олиш технологияси ишлаб чиқилган;

синтез қилинган модификаторларнинг тузилиши ва физик-кимёвий хоссалари аниқланган, улар ёрдамида қурилиш саноатида ишлатиладиган сув ва иссиқликка чидамли модификацияланган боғловчи моддалар олинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотнинг хулосалари ва тавсияларининг асосланганлиги, олинган моддаларни идентификациялашда замонавий физик-кимёвий (ИК-спектроскопик (IRTracer-100), сканерловчи электрон микроскопия, элемент таҳлили, ДТГА, ДСК) таҳлил натижалари тажриба-саноат қурилмаларида синовдан ўтганлиги ва уларнинг далолатномалари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кварц қуми, кремнийнинг органик ва ноорганик бирикмалари асосида боғловчи моддалар учун турли модификаторлар синтез қилинганлиги, паст ҳароратли усулда кварц қуми асосида сувда эрувчан силикатлар олишнинг илмий асосларини ўрганилганлиги, шунингдек, уларнинг тузилиши, хусусиятларини аниқлаш ва ишлаб чиқариш технологиясининг илмий асоси яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кремний сақлаган ноорганик ва органик бирикмалар ёрдамида полимер материалларни модификациялаш натижасида уларнинг физик-кимёвий ҳамда физик-механик хоссаларини яхшилаш, кенг ҳарорат оралиғида ва турли агрессив муҳитларда ишлатиладиган кремнийорганик полимер материаллар яратишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маҳаллий хомашёлардан таркибида кремний бўлган ноорганик ва органик бирикмалар олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

глицерин, акрилатлар, крахмал, тетраэтоксисилан ва сувда эрувчан силикатлар асосида модификаторлар олиш технологияси “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖда қурилишда ишлатиладиган боғловчи моддалар учун таркибида кремний бўлган модификаторлар олишда амалиётга

жорий қилинган (“Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ нинг 2020 йил 14 декабрдаги №АА009779 сонли маълумотномаси). Натижада, қурилишда ишлатиладиган боғловчи моддаларнинг сув ва иссиқликка чидамлилигини оширувчи арзон, юқори самарали модификаторлар олиш имконини берган.

синтез қилинган таркибида кремний бўлган ГФК-2, КАСМ-2, КФК-1 модификаторлари “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ да қурилиш материаллари учун модификацияланган боғловчи моддалар олишда амалиётга жорий қилинган (“Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ нинг 2020 йил 14-декабрдаги №АА009779 сонли маълумотномаси). Натижада, олинган модификацияланган боғловчи моддаларнинг сувга ва иссиқликка чидамлилик хоссаларини 2 мартагача ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та, жумладан 6 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида маруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари тавсифланган, унинг объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилмаси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Кремний сақлаган ноорганик ва органик бирикмалар ишлаб чиқаришнинг замонавий усуллари**» деб номланган биринчи бобида адабиётлардаги материаллар асосида Ўзбекистонда силикат хомашёлари ва уларни қайта ишлаш истиқболлари, кремний сақлаган полимерларнинг олиниши ва тадқиқот усуллари, ишқорий металллар силикатларининг сувли эритмалари, кремнийорганик бирикмаларнинг қўлланилиш соҳалари ҳақида таҳлилий маълумотлар келтирилган. Таҳлиллар натижалари асосида тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг «**Маҳаллий хомашёлар асосида кремний сақлаган ноорганик ва органик бирикмаларнинг синтези ва тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектлари ва уларнинг асосланиши,

тадқиқот усуллари баён этилган. Кварц қуми асосида сувда эрувчан силикатлар (суюқ шиша) олиш жараёнлари, уларга таъсир этувчи омиллар ва олинган суюқ шишанинг хоссаларини ўрганиш натижалари келтирилган.


Ишда автоклавда паст ҳароратда суюқ шиша олиш жараёни ёритилган. Майдаланмаган кварц қумига натрий ишқорининг сувли эритмаси 200°C ҳароратда юқори босим остида таъсир этирилган. Жараён 7 соат давомида олиб борилган ва силикат модули 2.4 бўлган суюқ шиша олинган. Жараённи 215-220°C ҳароратда олиб борилганда эса, силикат модули 2.8-3.2 бўлган суюқ шиша олинган. Паст ҳароратли усулда суюқ шиша олишда кварц қумини дастлаб шарли тегирмонда майдалаб олинганида жараён 180-185°C да 3-5 соат давом этган (1-жадвал).

1-жадвал

Паст ҳароратли усулда суюқ шиша синтези жараёнига турли омилларнинг таъсири

Кварц қумининг майдаланиш вақти, соат.	Ҳарорат, °C.	Босим, атм.	Автоклавда ишлов бериш вақти, соат.	Жараён унуми	Олинган суюқ шишанинг силикат модули
Майдаланмаган	200	8	7	70	2,4
Майдаланмаган	215	9	7	75	3,2
4	180	7	5	80	2,5
8	150	5	6	85	2,7
8	180	7	3	85	2,8
9	180	7	4	85	2,8

1-жадвалдан кўринадикки, кварц қумини шарли тегирмонда 8 соат давомида майдалангандан сўнг унга 180°C ҳарорат ва 7 атм. босимда 3 соат давомида автоклавда ишқор ёрдамида ишлов берилганда энг юқори самарага эришилди. Яъни, кварц қумига автоклавда ишқор таъсир этириш вақтини 7 соатдан 3 соатгача камайтиришга, жараён унумини 85% га кўтаришга ва 2,8 силикат модулли суюқ шиша олишга эришилди.





1-расм. Кремний кислотаси ва этил спирти моль нисбатларининг жараён унумига боғлиқлиги

Кремний кислотаси ва этил спиртнинг ўзаро этерификация реакциясида дастлабки моддалар моль нисбатларининг жараён унумига боғлиқлиги ўрганилди. Мақбул шароитлар аниқланди. Кремний кислотаси сувли муҳитда беқарор бўлганлиги учун унинг


эфирларини олиш жараёни экстракцияда фойдаланилган органик фазада олиб борилди. Тажрибалар давомида кремний кислотаси ва спиртлар турли нисбатларда олинди. Кремний кислотасига нисбатан спиртнинг моль миқдори қанча юқори бўлса, жараённинг унуми шунча юқори бўлиши аниқланди (1-расм).

Этерификация реакцияси қуйидагича боради:



Дастлабки моддалар моль нисбати

2-расм. Дастлабки моддалар моль нисбатларининг ГФК-1 глифтал смоласи олишда реакция унумига таъсири




3-расм. ГФК-1 глифтал смоласини олишда реакция унумига ҳароратнинг таъсири

Глицерин, фтал ангидрид ва кремний кислота эфири асосида кремний тутган ГФК-1 (эритувчисиз муҳитда олинган), ГФК-2 (сувли муҳитда олинган) маркали глифтал смолалар синтез қилинди ва синтез жараёнига таъсир этувчи омиллар ўрганилди.


Тетраэтоксисилан, глицерин ва фтал ангидрид асосидаги кремний тутган глифтал смоласини олиш жараёнлари икки хил усулда амалга оширилди. Эритувчисиз муҳитда олиб борилган реакция унумига дастлабки моддалар концентрацияси ва ҳароратнинг таъсири 2- ва 3- расмларда келтирилган.

Кремний-акрил сақлаган полимер композитининг олиниш жараёни икки хил усулда амалга оширилди. Эритувчисиз муҳитда амалга оширилган жараён унумига дастлабки моддалар моль нисбати ва ҳароратнинг таъсири 4- ва 5- расмлардаги натижалар билан изоҳланади.




Дастлабки моддалар моль нисбатлари

4-расм. Дастлабки моддалар моль нисбатларининг КАСМ-1 глифтал смоласи олишда реакция унумига таъсири




Ҳарорат, °C

5-расм. КАСМ-1 глифтал смоласини олишда реакция унумига ҳароратнинг таъсири



6-расм. Дастлабки моддалар моль нисбатларининг КФК-1 олишда реакция унумига таъсири




7-расм. КФК-1 композитини олишда реакция унумига ҳароратнинг таъсири


КФК-1 композитини олишда дастлабки моддалар моль нисбатларининг реакция унумига таъсири 6-расмда берилган. Унга кўра 0,6:1:1 нисбатда тетраэтоксисилан, глицерин ва фтал ангидрид олинганда реакция унуми энг юқори бўлганлиги, нисбат 0,7:1:1 ва ундан юқори бўлганда унум деярли ўзгармагани кузатилди. Бунинг сабаби тетраэтоксисиланнинг миқдори ортганда реакция жараёнида ҳосил бўладиган ортикча этокси гуруҳлар глицерин ва фтал ангидридлар билан эфир ҳосил қилиб, уларнинг ўзаро боғланишига халақит бериши билан изоҳланади.

КФК-1 композитини олишда ҳароратнинг реакция унумига таъсири графиги 7-расмда келтирилган. Графикдан кўринадикки, ҳарорат 80°C га етганда реакциянинг энг юқори унуми 80% ни ташкил этди. Ҳарорат бу даражадан юқори бўлганда реакция унуми ўзгармай қолди. Шунинг учун реакция боришининг мақбул ҳарорати 80°C эканлиги тасдиқланди.

8-, 9-расмларда крахмал ва тетраэтоксисилан асосида КМ-1 композитини олиш жараёнида реакция унумига моддалар масса нисбатлари ва ҳароратнинг таъсири келтирилган. Унга кўра, дастлабки моддаларнинг масса нисбати 0,6:1 ва ҳарорат 70°C да реакция унуми энг юқори кўрсаткичга етган.




8-расм. Дастлабки моддалар масса нисбатларининг КМ-1 композитини олишда реакция унумига таъсири



9-расм. КМ-1 композитини олишда реакция унумига ҳароратнинг таъсири

Диссертациянинг «Маҳаллий хомашёлар асосида кремний сақлаган ноорганик ва органик бирикмаларнинг синтези ва тадқиқот усуллари» деб номланган учинчи бобида синтез қилинган сувда эрувчан силикатларнинг хусусиятлари, кремний сақлаган глифтал смолаларнинг, кремний-акрил


сақлаган полимер композитларнинг, тетраэтоксисилан, карбамид ва формальдегид асосида олинган композитнинг, тетраэтоксисилан, крахмал асосида олинган композитларнинг ва модификацияланган елимларнинг физик-кимёвий ҳамда физик-механик хоссалари тадқиқ қилинган.




10-расм. ГФК-1 глифтал смоланинг ИҚ-спектри

тегишли бўлган, 1069 cm^{-1} соҳада Si-O-Si гуруҳга тегишли бўлган ютилиш частоталари кузатилди. 1718 cm^{-1} соҳада C=O гуруҳига тегишли бўлган, 1130-1281 cm^{-1} частоталарда эса C-O га тегишли соҳалар мавжуд. 3319 cm^{-1} соҳа гидроксил гуруҳларнинг валент тебраниш частоталарига тегишли эканлиги қайд этилган.

ИҚ-спектр таҳлилидан кўринадики, смола таркибида маълум миқдорда эркин гидроксил гуруҳлари мавжуд. Бу гуруҳлар смола билан бошқа моддаларни модификациялашда мустаҳкам кимёвий боғланиш ҳосил бўлишини таъминлайди.



11-расм. ГФК-1 смоланинг формуласи



12-Расм. ГФК-1 глифтал смоланинг дериватограммаси

таҳлили шуни кўрсатадики, ДТГА эгри чизиғи асосан 2 та интенсив парчаланадиган ҳарорат оралиғида амалга ошади. 1-парчаланадиган оралиқ 63-237 $^{\circ}\text{C}$ ҳароратга, 2-парчаланадиган оралиқ эса 240-290 $^{\circ}\text{C}$ ҳароратга мос келади.

10-расмда эритувчисиз усулда синтез қилинган ГФК-1 кремний сақлаган глифтал смоласининг «IRTracer-100» спектрофотометрида таҳлили келтирилган.

Синтез қилинган янги кремний тутган глифтал смоланинг ИҚ-спектрларида 1038 cm^{-1} соҳада валент симметрик Si-O- гуруҳга

Олинган натижаларга асосан смоланинг формуласини қуйидагича келтириш мумкин (11-расм). Смола таркибида глицерин ва фтал ангидрид миқдорларининг ортиши билан чизикли тузилган макромолекулаларга нисбатан тармоқланган ва тикилган макромолекулалар миқдори ортиб боради. Фтал ангидрид : глицерин миқдорлари нисбатининг ортиб бориши гидроксил гуруҳлари миқдорининг камайишига олиб келади.

12-расмда ГФК-1 глифтал смоланинг дериватограммаси келтирилган.

Динамик термогравиметрик анализ эгри чизиғи (ДТГА) (2-эгри чизик)

Бу ерда: 1-ҳарорат эгри чизиғи; 2-динамик термогравиметрик анализ эгри чизиғи (ДТГА); 3-динамик термогравиметрик анализ эгри чизиғининг ҳосиласи (ДТГП); 4-ДСК эгри чизиғи. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 1-парчаланадиган ораликда интенсив парчаланиш жараёни содир бўлади. Бу ораликда парчаланишнинг 17% и амалга ошади.

Динамик термогравиметрик анализ эгри чизиғи ва ДСК эгри чизиғининг батафсил таҳлили 2-жадвалга келтирилган.

2-жадвал


Синтез қилинган ГФК-1 глифтал смоланинг ДТГА ва ДСК натижалари

№	Ҳарорат, °С	Йўқотилган масса, %	Модданинг парчаланиш тезлиги, мг/мин	Сарфланадиган энергия миқдори ($\mu V \cdot c / мг$)
1	50	1,546	0,137	1,45
2	100	7,087	0,465	2,88
3	200	14,12	0,453	2,01
4	300	22,86	0,487	3,02

Бу дериватографик тадқиқотлар натижасидан кўринадики, асосий масса йўқотилиши 100-280°C оралиғида кечади. Унда асосий массанинг 24% и, яъни массанинг 19 мг йўқотилади ва 290°C дан кейин ўзгариш кузатилмайди, масса эса ўзгаришсиз қолади.

Глицерин, фтал ангидрид, метакрил кислота ва тетраэтоксисилан асосида кремний-акрил сақлаган композитлар синтез қилинди. Бунда маҳсулот унуми реакциянинг олиб борилиш вақти, ҳарорат ҳамда аралаштириш тезлигига боғлиқлиги аниқланди. Жараён натижасида суспензия ҳолатидаги сув-полимер системаси ҳосил бўлди.

Синтез қилинган КАСМ-1 кремний-акрил сақлаган композит таркиби «IRTracer-100» спектрофотометрида таҳлил қилинди (13-расм).




13-расм. КАСМ-1 кремний-акрил сақлаган композитининг ИҚ-спектри

Синтез қилинган КАСМ-1 кремний-акрил сақлаган композитининг ИҚ-спектрида симметрик Si-O-Si гуруҳга тегишли бўлган 1045 cm^{-1} ютилиш частоталари, 1074 cm^{-1} соҳада Si-O-Si гуруҳга тегишли бўлган ютилиш частоталари кузатилади. 965 cm^{-1} соҳада Si-O-N гуруҳига тегишли бўлган ютилиш частоталари мавжуд.


1000–1100 cm^{-1} соҳаларда Si-O- мавжудлиги кузатилади. 3300-3350 cm^{-1} соҳалар гидроксил гуруҳларнинг валент тебраниш частоталарига тегишли эканлиги қайд этилган.

14-расмда олинган маҳсулотнинг электрон микроскопда кўриниши келтирилган. Расмдан кўринадики, кремнийнинг асосий қисми полимерга тикилган бўлиб, кам миқдори аморф кремний оксид кўринишида тўлдирувчи сифатида полимер орасида қолган.

Олинган композит таркибида кремнийнинг умумий миқдори 2,4% эканлиги 15-расмдаги элемент таҳлилида келтирилган.




14-расм. КАСМ-1 кремний-акрил сақлаган композитнинг электрон микроскопда кўриниши




15-расм. КАСМ-1 кремний-акрил сақлаган композитнинг элемент таҳлили

Таҳлил натижаларига кўра КАСМ-1 акрилатининг тахминий тузилиш формуласи келтирилди (16-расм).




16-расм. КАСМ-1 акрилатининг тузилиш формуласи




17-расм. КФК-1 модификаторининг ИҚ спектри

КФК-1 модификаторининг таркиби «IRTracer-100» спектрофотометрида таҳлил қилинди (17-расм).


Синтез қилинган янги модификаторнинг ИҚ-спектрларида валент Si-O гуруҳга тегишли бўлган 1061 см^{-1} ютилиш частоталари, 820 см^{-1} соҳада Si-O-C гуруҳга тегишли бўлган деформацион ютилиш частоталари кузатилади. 1557 см^{-1} соҳада иккиламчи амин NH гуруҳига тегишли бўлган деформацион, $3319\text{--}3177\text{ см}^{-1}$ да валент NH_2 ютилиш частоталари мавжуд. 1732 см^{-1} соҳаларда C=O гуруҳининг валент тебранишлари, 1327 см^{-1} соҳада C-O гуруҳининг ютилиш ва 3449 см^{-1} соҳада гидроксил гуруҳларнинг валент тебранишлари қайд этилган.




18-расм. КФК-1 модификаторининг электрон микроскопда кўриниши



19-расм. КФК-1 модификаторининг элемент таҳлили



20-расм. КФК-1 модификаторининг таклиф этилган формуласи



21-расм. КМ-1 композитининг ИҚ-спектри

18-расмда олинган композитнинг электрон микроскопда кўриниши келтирилган. Расмдан кўринадик, кремнийнинг асосий қисми макромолекулага тикилган бўлиб, кам миқдори аморф кремний оксиднинг 50 мкм ўлчамдаги заррачалари (расмда белгилаб кўрсатилган) кўринишида тўлдирувчи сифатида полимер матрица орасида қолган.


Олинган модификатор таркибида кремнийнинг умумий миқдори 0,6% эканлиги 19-расмдаги элемент таҳлилида келтирилган.

Юқоридаги таҳлилларга асосланиб олинган олигомернинг формуласини куйилагича келтириш мумкин (20-расм). Бу ерда такрорланувчи звенолар чегаралар билан белгилаб кўрсатилган. n-нинг қийматлари бошланғич моддаларнинг миқдорий нисбатига боғлиқ.


Тетраэтоксисилан, крахмал асосида олинган полимер композит намуналари таркиби «IRTracer-100» спектрометрида 400-4000 см^{-1} нур ютилиш частоталар оралиғида таҳлил қилинди (21-расм).

Олинган КМ-1 композитининг ИҚ-спектрида Si-O-CH гуруҳга тегишли бўлган ютилиш частоталари 1075 см^{-1} соҳада, Si-O-H гуруҳига тегишли бўлган ютилиш частоталари мавжуд 995 см^{-1} соҳада. 1654 см^{-1} соҳада -CH₂-CH- гуруҳига ҳамда 3300-3350 см^{-1} соҳаларда гидроксил гуруҳларнинг валент тебраниш частоталарига тегишли эканлиги қайд этилган.


22-расмда олинган полимер композитнинг сканерловчи электрон микроскопда кўриниши берилган.



22-расм. КМ-1 композитининг СЭМ да кўриниши



23-расм. КМ-1 композитининг элемент таҳлили




24-расм. КМ-1 композитининг таклиф этилган формуласи

22-расмдан кўринадики, тетраэтоксисилан крахмал билан тўлиқ дисперс ҳолатда тарқалган. Олинган полимер композитнинг элемент таҳлили 23-расмда келтирилган. Бунда 3,64% кремний борлиги кўринади.

24-расмда КМ-1 модификаторининг таклиф этилган формуласи келтирилган.

Диссертациянинг “Маҳаллий хомашёлар асосида кремний тутган ноорганик ва органик бирикмаларни ишлаб чиқариш ва уни техник-иқтисодий асослаш” деб номланган тўртинчи бобида кремний сақлаган модификаторлар ишлаб чиқариш технологияси ва техник-иқтисодий кўрсаткичлар натижалари берилган.



25-расм. Кремний сақловчи модификаторлар олишнинг технологик схемаси

1-қум, 2-сода ёки ишқор, 3-автоклав; 4-фильтр; 5-сақлаш сиғими; 6-суяқ шиша, 7-хлорид кислота, 8-органик фаза, 9-ош тузи, 10-нейтраллаш ва экстракциялаш реактори, 11-гиндириш колоннаси; 12-тўйинган туз эритмаси (анорганик фаза), 13, 14-кремний кислота (органик фазада), 15-спирт, 16-катализатор, 17, 20-реакторлар; 18-глицерин, 19-фтал ангидрид.

Ушбу технологияда 1-сиғимдан майдаланган кварц қуми, 2-сиғимдан сода ёки натрий ишқори 3-автоклавга юкланади ва 3-7 соат давомида 180-200°C да ишлов берилади. Автоклавда кварц қуми ишқорда эриб сувда эрувчан силикат эритмаси – суяқ шишани ҳосил қилади. Олинган эритма 4-фильтрдан ўтказилади ва тозалангандан сўнг 5-сақлаш сиғимига юборилади. Суяқ шиша 6-сиғимда суялтирилади ҳамда кейинги (10) реакторга

юборилади. Шунингдек, 7-сигимдан органик фаза – изобутил спирт ёки эфир, 8-сигимдан хлорид кислота, 9-сигимдан ош тузи 10-реакторга тегишли тартибда юкланади. Ушбу реакторда дастлаб суяқ шиша хлорид кислота билан нейтралланади, сўнгра эритма ош тузига тўйинтирилиб, кейин реакторга органик фаза сифатида изобутил спирт солиниб, аралаштирилади ва дарҳол 11-тиндириш колоннасига ўтказилади.

Тиндириш колоннасида фазаларга ажралганидан сўнг аорганик ва органик фазалар алоҳида-алоҳида қуйиб олинади. Бунда натрий силикатнинг хлорид кислота билан нейтралланишидан ҳосил бўлган кремний кислотаси органик фазага ўтади. Кремний кислотасининг спиртлар билан этерификацияси ана шу органик эратувчида амалга оширилади. Бунинг учун 12-сигимдан юкланган органик эритувчидаги кремний кислотаси, 13-сигимдан этерификация учун танланган спирт 15-реакторга юборилади. Ушбу реакторда кремний кислотаси тегишли спирт билан реакцияга киришиши учун аралаштириб турган ҳолда секин қиздирилади. Этерификацияда қуйи спиртлар юқори спиртларга қараганда тезроқ радикал алмашилиши ҳисобига осон реакцияга киришади. Этерификация натижасида олинган алкоксисиланлар 16-реакторда глицерин, акрил сакловчи мономерлар, крахмал кабилар билан поликонденсация реакциясига киришади. Ушбу реактордан тайёр модификатор олинади. Олинган модификатор 16-елим тайёрлаш реакторига юборилади. Елим тайёрлаш реакторида карбамид-формальдегид смола олиш жараёнида модификатор сифатида елимга қўшилади.

3-жадвал

1 тонна ГФК-1 модификаторини ишлаб чиқариш учун хомашё нархи

№	Дастлабки моддалар	Хомашё нархи, кг/сўм	1 тонна модификатор олиш учун, хомашё, кг	1 тонна модификатор нархи (1000 кг)
1	Глицерин	4000,0	423,9631	1 695 852,0
2	Фтал ангидрид	29 000,0	336,4055	9 755 774,0
3	Тетраэтоксисилан	31 900,0	239,6313	7 644 228,9
Жами				19 095 854,0

3-жадвалда 1 тонна ГФК-1 модификатори ишлаб чиқариш учун бошланғич моддалар учун **19 095 854,0** сўм сарфланади.

4-жадвал

1 тонна ГФК-2 модификаторини ишлаб чиқариш учун хомашё нархи

№	Дастлабки моддалар	Хомашё нархи, кг/сўм	1 тонна модификатор олиш учун, хомашё, кг	1 тонна модификатор нархи (1000 кг)
1	Глицерин	4 000,0	184	736 000,0
2	Фтал ангидрид	29 000,0	146	4 234 000,0
3	Тетраэтоксисилан	31 900,0	104	3 310 000,0
4	Сув	1 766,0	566	1 000,0
Жами				8 291 000,0

4-жадвалда 1 тонна ГФК-2 модификатори ишлаб чиқариш учун бошланғич моддалар учун **8 291 000,0** сўм сарфланади.

5-жадвал

1 тонна КАСМ-1 модификаторини ишлаб чиқариш учун хомашё нархи

№	Дастлабки моддалар	Хомашё нархи, кг/сўм	1 тонна модификатор олиш учун, хомашё, кг	1 тонна модификатор нархи (1000 кг)
1	Метилметакрилат	15400,0	793,651	12 222 225,40
2	Тетраэтоксисилан	31 900,0	206,349	6 582 533,10
Жами				18 804 758,5

5-жадвалда 1 тонна КАСМ-1 модификатори ишлаб чиқариш учун бошланғич моддалар учун **18 804 758,5** сўм сарфланади.

6-жадвал

1 тонна КАСМ-2 модификаторини ишлаб чиқариш учун хомашё нархи

№	Дастлабки моддалар	Хомашё нархи, кг/сўм	1 тонна модификатор олиш учун, хомашё, кг	1 тонна модификатор нархи (1000 кг)
1	Акрил кислота	22 000,0	172	3 784 000,0
2	Тетраэтоксисилан	31 900,0	52	1 658 800,0
3	Сув	1 766,0	756	1 335,0
Жами				5 444 135,0

6-жадвалда 1 тонна КАСМ-2 модификатори ишлаб чиқариш учун бошланғич моддалар учун **5 444 135,0** сўм сарфланади.

ХУЛОСАЛАР

1. Маҳаллий кварц кумларидан ишқор ва сода ёрдамида сувда эрувчан силикатлар олишнинг паст ҳароратли самарали усули ишлаб чиқилди. Сувда эрувчан силикатлар олишда мақбул шароитлар: кварц кумининг шарли тегирмонда майдаланиш вақти 8 соат, ҳарорат 180°C бўлганда автоклавда ишлов бериш вақти 3 соатни, олинган суяқ шишанинг силикат модули 2,8 ни ташкил қилиши кўрсатиб берилди.

2. Сувда эрувчан силикатлардан кремний тутган органик бирикмалар синтез қилиш жараёнининг мақбул шароитлари аниқланди. Суяқ шишадан силикат кислотаси олиш ва олинган силикат кислотанинг этил спирт билан этерификация реакциясида унум энг юқори - 60% бўлиши учун дастлабки моддаларни мос ҳолда 1:16 моль нисбатда олиш тавсия этилди.

3. Глицерин, фтал ангидрид ва тетраэтоксисилан асосида кремний сақлаган ГФК-1, ГФК-2 маркали глифтал смолалар, метилметакрилат, акрил кислота ва тетраэтоксисилан асосида КАСМ-1, КАСМ-2 маркали кремний-акрил сақлаган полимер материаллар, тетраэтоксисилан, карбамид ва формальдегид асосида КФК-1 модификатори, тетраэтоксисилан ва крахмал асосида КМ-1, КМ-2 маркали модификаторлар синтез қилиш усуллари таклиф этилди.

4. Майдаланган қамиш ва модификацияланган елим асосида тайёрланган плиталарнинг физик-механик хусусиятлари аниқланди. Плиталар намуналарининг сув ютувчанлигини 78,1% дан ГФК-2 да 48%, КАСМ-2 да 52%, КМ-2 да 58% га камайтириш учун карбамид-формальдегид асосидаги елим таркибига 5% модификаторлар қўшиш тавсия этилди.

5. Маҳаллий хомашёлар асосида арзон, физик-механик ва физик-кимёвий хоссалари яхшиланган глицерин, акрилатлар, крахмал, тетраэтоксисилан ва сувда эрувчан силикатлар асосидаги кремний тутган полимер модификаторлар олиш технологияси таклиф этилди. Олинган модификаторлар “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖда қурилиш материаллари учун модификацияланган боғловчи моддалар олишда амалиётга жорий қилинди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Т.78.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ
ТЕРМЕЗСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТЕРМЕЗСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
ТАШКЕНТСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ
ХИМИЧЕСКОЙ ТЕХНОЛОГИИ**

ЭШМУРОДОВ ХУРШИД ЭСАНБЕРДИЕВИЧ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ
КРЕМНИЙСОДЕРЖАЩИХ НЕОРГАНИЧЕСКИХ И ОРГАНИЧЕСКИХ
СОЕДИНЕНИЙ НА ОСНОВЕ МЕСТНОГО СЫРЬЯ**

02.00.13-Технология неорганических веществ и материалы на их основе

02.00.14-Технология органических веществ и материалы на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Термез – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2020.4.PhD/Г1908.

Диссертация выполнена в Термезском государственном университете и Ташкентском научно-исследовательском институте химической технологии

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета www.tersu.uz и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.

Научный руководитель:

Тураев Хайит Худайназарович
доктор химических наук, профессор

Умбаров Ибрагим Амонович
доктор технических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Амонов Мухтор Рахматович
доктор технических наук, профессор

Тожиев Панжи Жовлиевич
доктора философии по техническим наукам

Ведущая организация:

Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится «6» 08 2021 г. в «14⁰⁰» часов на заседании Ученого совета PhD.03/30.12.2019.Т.78.01 при Термезском государственном университете по адресу: 190111, Сурхандарьинская область, г. Термез, ул. Баркамол авлод, 43. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: termizdu@umail.uz.

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре в Термезском государственном университете под № 24, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (190111, Сурхандарьинская область, г. Термез, ул. Баркамол авлод, 43. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: termizdu@umail.uz).

Автореферат диссертации разослан «26» 12 2020 года.

(протокол рассылки № 8 от «26» 12 2020 г.).



Х.С.Бекназаров

Заместитель председателя научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., с.н.с.

Ш.А.Касимов

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.х.н.

Ф.Б.Эшкурбонов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.х.н., доц.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире элементарноорганические соединения, в частности кремнийсодержащие неорганические и органические соединения, используются в качестве дешевого сырья во многих областях, таких как строительство, автомобилестроение, авиация, медицина, экология, фармакология, пищевая, легкая промышленность, а также имеет важную значению в качестве ценных материалов с комплексными свойствами в гидравлических устройствах, работающие при высоком давлении и температуре. Кремнийорганических соединений, при использовании в качестве модификатора в получение водо- и термостойких материалов, повышают их прочность, устойчивость к различным агрессивным средам, служат прочной связью между органическими и неорганическими компонентами.

В мире уделяется большое внимание научным исследованиям направленных по получение прочных, жаростойких, огнестойких и устойчивых к агрессивным средам кремнийорганических полимеров на основе органических и неорганических материалов, в том числе, полисилоксаны и полифункциональных кремнийорганических соединений; на обработку с кремнийсодержащим модификатором для улучшения комплексных свойств полимерных материалов. Поэтому является актуальным, улучшение физико-химических и физико-механических свойств полимерных материалов с модифицированием кремнийорганическим соединениям, разработка технологий получения кремнийорганических полимерных материалов, используемых в широком диапазоне температур и в различных агрессивных средах.

В нашей стране достигнуты определенные результаты в производстве новых видов материалов в химической промышленности, в том числе проведены масштабные меры по обеспечению внутреннего рынка импортозамещающими химическими реагентами. Следует отметить, что в нашей стране большое внимание уделяется внедрению наукоемких систем на промышленных объектах и охране окружающей среды за счет внедрения инновационных технологий. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан¹ определены важные задачи, направленные на «Дальнейшее ускорение производства готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на основе глубокой переработки местного сырья, изменение качественно новых видов продукции и технологий». В связи с этим создавать кремнийорганические полимерные материалы из местного сырья, применение их в качестве модификаторов, разработка технологии получения полимерных материалов на основе новых кремнийорганических соединений и их внедрение на производстве имеет важное значения.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-3983 от 25 октября 2018 г. «О мерах по ускорению развития химической промышленности в Республике Узбекистан», ПП-4265 от 3 апреля 2019 г. «О дальнейшем реформировании химической отрасли и повышении ее инвестиционной привлекательности», ПП-4335 23 мая 2019 г. «О дополнительных мерах по ускоренному развитию отрасли строительных материалов» а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследований приоритетам развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики VII «Химическая технология и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. Следующие ученые в мире проводят исследования по синтезу кремнийсодержащих органических и неорганических соединений и разработке технологий для их производства, в том числе S.E.Denmark, J.J.Cottell, J.Montgomery, N.J.Lawrence, Jie Jack Li, Chris Limberakis, T.Zhang, Q.Cail, D.Z.Wul, A.Derek Pflum, R.V.Appell, R.J.Duguid, T.Fukuyama, H.Tokuyama, H.Takayama, T.Takeda, R.Fujiwara, Y.Kasai, M.Kitajima, N.Aimi, T.Zhang, Q.Cail, D.-Z.Wul, R-G.Jin, R.P.Singh, К.А.Андрианов, Е.М.Опарина, Т.С.Трубьянская, В.И.Кодолов, Г.Е.Заиков, Р.М.Асеева, Я.Рабек, Н.П.Харитонов, А.А.Берлин, В.В.Коршак, С.Мадорский, М.В.Соболевский, Ю.С.Кочергин, М.А.Аскарлов, А.Т.Джалилов, И.И.Исмаилов, М.А.Курбанова и другие.

